Ўзбекистон Республикаси Сирдарё вилояти Ховос тумани Хокими

Қ А Р О Р

«05» январ 2018 йил **06-сон** **Ховос шаҳарчаси**

Ховос тумани маҳаллий бюджетининг 2018 йилги параметрлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2017 йил 13 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги Давлат бюджети ва Давлат бюджетининг мақсадли жамғармалари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида”ги №1341-III–сонли, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2017 йил 20 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги Давлат бюджети ва Давлат бюджетининг мақсадли жамғармалари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида”ги ҚС-241-III-сонли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида” ги ПҚ-3454 – сонли, Халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгашининг 2017 йил 31 декабрдаги 105/35-35-сонли қарорлари ҳамда Халқ депутатлари Ховос тумани Кенгашининг 2017 йил 31 декабрдаги 32/97-сонли қарорларининг ижросини таъминлаш мақсадида “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6,25-моддаларига мувофиқ, **қарор қиламан:**

I. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2017 йил 13 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги Давлат бюджети ва Давлат бюджетининг мақсадли жамғармалари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида”ги 1341-III–сонли, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2017 йил 20 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги Давлат бюджети ва Давлат бюджетининг мақсадли жамғармалари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида”ги ҚС-241-III-сонли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-3454–сонли, Халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгашининг 2017 йил 31 декабрдаги 105/35-35-сонли қарорлари ҳамда Халқ депутатлари Ховос тумани Кенгашининг 2017 йил 31 декабрдаги 32/97-сонли қарорлари ижро ва раҳбарлик учун қабул қилинсин.

II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги

“Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари

прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида” ги ПҚ-3454 – сонли қарорига мувофиқ 2018 йил учун:

а) қўшилган қиймат солиғи ставкаси 20 фоиз миқдорида;

- юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи билан ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ободонлаштириш учун солиқларни бирлаштирган ҳолдаги ставкалари (5-иловага);

- жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкалари (6-иловага);

-ягона солиқ тўлови ставкалари (7-1, 7-2, 7-3) иловаларга;

-тадбиркорлик фаолияти айрим турлари бўйича ҳуқуқий ва жисмоний шахсларга белгилаб қўйилган солиқ ставкалари (8-иловага);

-ҳуқуқий шахсни ташкил этмасдан туриб, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган жисмоний шахслар (якка тартибдаги тадбиркорлар)га белгилаб қўйилган солиқ ставкалари (9-иловага);

- Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган ва рўйхат бўйича четдан келтириладиган товарларга акциз солиғи ставкалари (10-1 ва 10-2-иловаларга);

-сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари (11-иловага);

-ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари (12-иловага);

-имзоли ва тижоратбоп бонус ставкалари (13-1 ва 13-2 иловаларга);

- айрим турдаги маҳсулотлар бўйича ортиқча фойдадан солиқ ставкалари (14-иловага);

-ҳуқуқий ва жисмоний шахслардан олинадиган мулк солиғи ставкалари (15- ва 16-иловаларга);

-ҳуқуқий ва жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи ставка лари (17-иловага);

-ягона ер солиғи ставкалари (18-иловага);

-маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ставкалари (19-иловага);

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига йиғимлар ва ажратмалар ставкалари (20 –иловага);

- ягона ижтимоий тўлов, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига, Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ўртасида тақсимланиши (21-иловада) келтирилган меъёрларга мувофиқ;

-Ўзбекистон Республикаси резидентларининг дивидендлар ва фоизлар тарзида оладиган даромадлардан солиқ ставкалари 10 фоиз миқдорида тасдиқланганлиги;

б) солиққа тортиш объектларининг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси, таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш жамғармаларига бирлаштирган ҳолда мажбурий ажратмалар ставкаси 3,2 фоиз миқдорида белгиланганлиги;

шунингдек, Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси ва таълим ва тиббиёт муассасаларини моддий-техник базасини ривожлантириш жамғармаларига мажбурий ажратмалар 22-иловадаги меъёрларга мувофиқ тақсимланганлиги;

в) фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига уларнинг меҳнат ҳақи даромадларидан мажбурий суғурта бадаллари ставкаси 8 фоиз миқдорида тасдиқланганлиги;

г) 2018 йил 1 январдан бошлаб мобил алоқа хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар (уяли алоқа компаниялари) томонидан абонент рақамидан фойдаланганлик учун ойига 4000 сўм миқдорида ва уларнинг тақсимланиш меъёрлари 23-иловага мувофиқ белгиланганлиги;

д) 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб тайёрлов корхоналари учун товар айланмасидан белгиланган ставкаларда ягона солиқ тўлови жорий этилганлиги;

с) 2018 йилнинг 1 январидан фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия жамғармасига мажбурий ажратма 2 фоиз миқдорда белгиланганлиги;

е) 2018 йил 1 январдан бошлаб ягона солиқ тўловчилар учун умумий ер майдони 1 гектардан ошиқ бўлган тақдирда, умумий майдонидан ер солиғи тўлови жорий этилганлиги ва Молия вазирлиги ҳамда Давлат солиқ қўмитасига бир ой муддатда ягона солиқ тўловчиларнинг ер солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани ишлаб чиқиш ва тасдиқлаши топширилганлиги;

ж) юк ташиш хизматлари кўрсатувчи юридик шахслар томонидан солиққа тортиш тизимидан қатъий назар, улар томонидан тўланадиган солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига ажратмалари бирлик траспорт воситаларига ҳисобланиши, ушбу фаолият тури билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорларнинг қатъий белгиланган солиқ суммаларидан кам бўлмаслиги белгиланганлиги;

з) ягона солиқ тўловига тушган тушумлар бюджетга, Пенсия жамғармасига, Республика йўл жамғармаси ва таълим ва тиббиёт муассасаларини моддий-техник базасини ривожлантириш жамғармаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси ёшлар иттифоқига ажратмалар миқдори Молия вазирлиги томонидан белгиланиши, шунингдек, ягона солиқ тўлови бўйича маблағларнинг тақсимланиши 2018 йилнинг 1 февралидан кейинги тушумлар ҳисобидан амалга оширилиши белгиланганлиги;

и) 2018 йилнинг 1 январидан нотижорат корхоналарига, микрофирма ва кичик корхоналар учун кўзда тутилган тартиб асосида, ишловчилар

сонидан қатъий назар, тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадларидан ягона солиқ тўловини тўлаш ҳуқуқи берилганлиги;

к) 2018 йилнинг 1 январидан жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғини ҳисоблаш қонунчиликда белгиланган мол-мулкнинг кадастр қийматидан аниқланиши белгиланганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бир ой муддатда мол-мулкнинг кадастр қийматидан жисмоний шахсларни солиққа тортиш тартибини тасдиқлаш топширилганлиги;

мол-мулк солиғини мулкнинг кадастр қийматидан ҳисобланишида солиқ юкининг бирдан кўтарилишига йўл қўймаслик учун, кадастр қийматига асосан ҳисобланган жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи суммаси, 2017 йилда ҳисобланган солиқ суммасидан 1,2 баробар миқдордан ошмаслиги лозимлиги;

й) кўчмас мулкни, шу жумладан уй-жойларни ижарага беришдан олинадиган даромадларни солиққа тортиш, шартномада белгиланган ижара ҳақи миқдоридан келиб чиқилиб:

юридик шахсларга – давлатнинг кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун ижара ҳақининг энг кам ставкаларидан;

уй–жойларни ижарага берувчи жисмоний шахслар учун (23-иловага мувофиқ) белгиланган ижара ҳақи ставкаларидан келиб чиқиб ҳисобланган миқдордан кам бўлмаган ҳолда белгиланганлиги;

л) солиқ қарздорлиги бўйича солиқ тўловчиларнинг қарздорликларини уларнинг мол-мулки ҳисобидан ундиришнинг энг кам миқдори (24-иловага мувофиқ) белгиланганлиги;

м) 2023 йилнинг 1 январигача:

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 60-63 моддаларида кўрсатилган, манбалардан қўшимча даромад олган бюджет ташкилотлари барча турдаги солиқлар, йиғимлар ҳамда Республика йўл жамғармаси ва Давлат мақсадли жамғармасига мажбурий ажратмалардан,

Ўзбекистон Республикасида аккредациядан ўтган чет эл олий ўқув юртлари, барча турдаги солиқ тўловларидан ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалардан, Ўзбекистон Республикасида таълим соҳасидаги фаолиятидан, шунингдек ягона ижтимоий тўлов ва жисмоний шахслардан даромад солиғидан озод этилганлиги;

н) бюджетлараро муносабатларнинг асосий йўналишларини такомиллаштириш мақсадида қуйидагилар асосий вазифа этиб:

жойлардаги маҳаллий ҳокимият органларининг масъулиятини кучайтириш, молия ва солиқ органлари томонидан даромадлар базасини мустаҳкамлаш, маҳаллий бюджетларнинг тасдиқланган харажатларини ўз вақтида ва мақсадли молиялаштириш, ижтимоий соҳа ва инфраструктура объектларини сақлаш ва уларни ривожлантириш;

жойлардаги маҳаллий ҳокимият органларининг фаолиятини жонлантириш ва бир қатор солиқ турлари ва йиғимлари тушумларини ихтиёрларида қолдириш ҳисобига уларнинг даромадлар базаларини кенгайтириш;

йирик солиқ тўловчилар томонидан тушаётган бир қатор солиқ тушумларини вилоят, туман ва шаҳар бюджетларига тақсимлаш;

туман ва шаҳарларни бир маромда ривожланишини таъминлаш мақсадида, маҳаллий ҳокимият органларига алоҳида турдаги маҳаллий солиқлар ставкаларини ошириш ва камайтириш ҳуқуқини бериш;

ижтимоий-иқтисодий инфраструктурани ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатларни молиялаштиришда жойлардаги маҳаллий давлат органларининг мустақиллигини ошириш белгиланганлиги;

о) 2018 йил 1 январдан қуйидаги даромадларни тўлиқ ҳажмда ажратиш тартиби жорий этилганлиги:

туман ва шаҳарлар бюджетларига – тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ тушумларини, жисмоний шахслар мол-мулк солиғи, жисмоний шахслар ер солиғи, айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва алоҳида хизмат турлари учун йиғим, бозорлар даромадидан тушумларни;

вилоят маҳаллий бюджетига – ягона ер солиғи, юридик шахсларнинг ер солиғи, юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи, ягона солиқ тўлови, газ, дизель ёқилғиси, истеъмол қилинган бензин учун истеъмол солиғи, абонент тўловини;

вилоят бюджетига – сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, давлат пошлинасининг тегишли қисми, истисно тариқасида патент ва лицензия беришдан давлат пошлинаси, шунингдек давлат активларини сотишдан тушумлар ва давлат мулкини ижарага беришдан тушган 25 фоиз миқдордаги тушумни;

республика бюджетига–жисмоний шахслардан даромад солиғи, юридик шахслардан фойда солиғи, истисно тариқасида норезидентлар тўлов манбаларидан ушланмалар, қўшилган қиймат солиғи, тегишли товарларга акциз солиғи, ер қаъридан фойдаланилганлик учун солиқ, жарима ва йиғимларнинг тегишли қисми, шунингдек тегишли бюджетлар ихтиёрида қолдирилган ўрнатилган прогнозни ажратма қилинадиган солиқларнинг тегишли қисмининг ошириб бажарилган суммасини.

п) маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган таълим ва тиббиёт муассасаларининг иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўлов бўйича харажатлари 2018 йил 1 январдан республика ва вилоят бюджетларидан мақсадли ижтимоий трансфертлар шаклида қопланиши белгиланганлиги;

туман ва шаҳарлар бюджетларининг даромадлар базасининг кўпайишидан қатъий назар тиббиёт муассасалари ва таълим муассасаларининг иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўловларига ажратиладиган мақсадли ижтимоий трансфертлар ҳажми камаймаслиги;

р) тегишли маъмурий - ҳудудий бирликларда бюджет даромадларининг прогноз кўрсаткичларини ошириб бажарилган қисмини қуйи бюджетдан юқори бюджетга олиб қўйиш;

параметрда кўрсатилган туман маҳаллий бюджети харажатларини асоссиз қисқартириш тақиқланганлиги назарда тутилсин.

III. Ховос тумани маҳаллий бюджетидан 2017 йил давомида молиялаштириб келинган йўл таъмирлаш харажатлари 2018 йилдан туман маҳаллий бюджети ҳисобидан молиялаштирилиши инобатга олинсин.

IV. Ховос туман ҳокимлиги Халқ депутатлари Кенгашлари билан келишган ҳолда 2018 йил 1 январдан:

жорий молия йилида иқтисодий, ижтимоий-маданий ва бошқа соҳалар ҳамда кўзда тутилмаган харажатларни ўз вақтида ва узлуксиз амалга оширишни таъминлаш мақсадида, тегишли бюджет харажатларининг умумий ҳажмининг 1 фоизи миқдорида туман ҳокимлигининг захира жамғармасини шакллантириш,

ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларидан ва фаолият олиб борадиган жойига қараб жисмоний шахсларнинг ер, мол-мулк солиқларнинг ўрнатилган ставкаларига 0,7 дан 1,3 гача пасайтириш ёки кўпайтириш коэффициентларини қўллаш;

тўртинчи гуруҳ бўйича харажатлар сметасини ижро этиш жараёнида ҳудудий молия органлари томонидан оптималлаштирилган бюджет маблағлари тегишли равишда маҳаллий бюджетларнинг захира жамғармаларини кўпайтиришга йўналтириш ҳамда ўрнатилган тартибда фойдаланиш ҳуқуқи берилсин.

V. Туман ҳокимлиги маҳаллий бюджети параметрларини тасдиқлаш тўғрисида тегишли қарор қабул қилишда юқорида назарда тутилган тартибга қатъий риоя қилинишини таъминласин.

VI. Молия йили давридаги тасдиқланган даромадлар параметрлари бажарилмаслиги оқибатида бюджетда юзага келиши мумкин бўлган даромадлар билан харажатлар ўртасидаги вақтинчалик касса узилишлари айланма касса маблағларини жалб қилиш ва юқори бюджетдан олинадиган қисқа муддатли фоизсиз бюджет ссудаларини олиш орқали ҳамда бир молия йилидан ортиқ бўлган даврдаги касса узилишларида юқори бюджетдан 2 йилгача бўлган муддатга йиллик 2 фоизли бюджет ссудалари олиш орқали қопланиши белгилансин.

VII. 2018 йил 1 апрелдан бошлаб:

маҳаллийлаштириш дастурларига киритилган корхоналарга ҳамда амалга оширилаётган лойиҳаларга;

экспортёр корхоналарнинг экспортдаги улушига боғлиқлигига қараб, юридик шахсларнинг фойда, мол-мулк ва ягона солиқ тўловига қўлланиладиган имтиёзлар бекор қилинсин.

VIII. Бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган мактабгача таълим муассасаларидаги тарбияланувчилар учун ота-оналар томонидан тўланадиган ота-оналар бадали миқдори 25-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

IX. Туман молия бўлимига, даромадлар ва харажатлар ижроси 26-иловага мувофиқ кутилаётганлиги инобатга олинган ҳолда, Молия вазирлигининг кўрсатмаси асосида ҳамда 2017 йилги бюджет даромадлари ва харажатлари кўрсаткичларини айрим манбаалар ва соҳалари туман кесимида аниқлаштириш топширилсин.

X. Туман молия ва ғазначилик бўлимлари, бюджет ташкилотлари ва Марказий банкнинг вилоят бош бошқармаси билан биргаликда, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгилаб берилган тартибда, 2017 йилги вилоят маҳаллий бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирган ҳолда, 2018 йилнинг январь ойида 2017 йилги туман маҳаллий бюджети ижроси бўйича якуний операцияларни ўтказиш вазифаси юклатилсин.

XI. Туман маҳаллий бюджетининг 2018 йилги параметрларини сўзсиз бажариш бўйича молия, ғазначилик, солиқ идоралари ва банк муассасаларининг раҳбарлари масъуллиги, шунингдек, бюджет муассасалари раҳбарлари бюджет маблағларининг мақсадли ва самарали фойдаланиши бўйича шахсан жавобгар эканлиги таъкидлансин.

XII. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари И. Махмудов зиммасига юклатилсин.

XIII. Ушбу қарор расмий нашрларда эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

XIV. Қарор матни туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

Туман ҳокими **Р.М.Бобоев**

Ховос туман ҳокимининг
2018 йил ___ январдаги
-сонли қарорига
1- илова

Ховос тумани маҳаллий бюджетининг
2018 йилги асосий кўрсаткичлари

К ў р с а т к и ч л а р		минг сўм
	Даромадлар жами	**23 387 258**
1. Бевосита солиқлар		**10 207 367.0**
1.1	Ҳуқуқий шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғи	682 897,0
1.2	Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ялпи даромадига солинадиган солиқ	267 704,0
1.3	Ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар, шу жумладан кичик корхона ва микрофирмалар бўйича	1 038 688,0
1.4	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	6 981 384.0
1.5	Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи ҳуқуқий ва жисмоний шахслар даромадидан қатъий белгиланган солиқ	1 236 694.0
2. Билвосита солиқлар		**6 099 169.0**
2.1	Қўшимча қиймат солиғи	5 840 149.0
2.2	Акциз солиғи	
2.3	Жисмоний шахслар томонидан транспорт воситалари учун истеъмол қилинадиган бензин, дизел ёқилғиси ва газ учун солиқ	259 020.0
3. Ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи		**4 775 419.0**
3.1	Ҳуқуқий шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	1 132 490.0
3.2	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	1 510 400.0
3.3	Ер солиғи (ягона ер солиғидан ташқари)	1 578 939.0
3.4	Ягона ер солиғи	516 504.0
3.5	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	37 086.0
	4. Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи	
	5. Бошқа солиқ ва йиғимлар	**2 305 303.0**
5.1	Бозорлар даромадидан тушум	186 421.0
5.2	Маҳаллий йиғимлар	145 612.0
5.3	Давлат божии	778 984.0
5.4	ЎзР ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан ундириладиган йиғимлар	19 394.0
5.5	Жарималар	1 174 892.0
5.6	Бошқа тушумлар	

1-илованинг давоми

2018 йил Ховос тумани бўйича бюджет даромадларининг режа кўрсаткичлари

Маҳаллий

К ў р с а т к и ч л а р		**минг сўм**
Даромадлар жами		**11 939 997**
1	Ҳуқуқий шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғи	0
2	Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ялпи даромадига солинадиган солиқ	267 757
3	Ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар, шу жумладан кичик корхона ва микрофирмалар бўйича	519 344
4	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	4 886 969
5	Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи ҳуқуқий ва жисмоний шахслар даромадидан қатъий белгиланган солиқ	1 236 694
6	Қўшимча қиймат солиғи	0
7	Акциз солиғи	0
8	Ҳуқуқий шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	1 132 490
9	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	1 510 400
10	Ҳуқуқий шахсларнинг ер солиғи	781 518
11	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	756 288
12	Ягона ер солиғи	516 504
13	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	0
14	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	0
15	Қўшимча фойда солиғи	0
16	Давлат божии	0
17	Жарималар	
18	ЎзР ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан ундириладиган йиғимлар	0
19	Бозорлар даромадидан тушум	186 421
20	Маҳаллий йиғимлар	145 421
21	Жисмоний шахслар томонидан транспорт воситалари учун истеъмол қилинадиган бензин, дизел ёқилғиси ва газ учун солиқ	0
22	Бошқа тушумлар	0

2018 йилда умумдавлат солиқлари бўйича тушумларнинг

Ховос тумани маҳаллий бюджетига ажратиладиган меъёрлари

1-илованинг давоми

(фоизда)

1	Ҳуқуқий шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғи	0%
2	Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ялпи даромадига солинадиган солиқ	100%
3	Ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар, шу жумладан кичик корхона ва микрофирмалар бўйича	50%
4	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	70%
5	Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи ҳуқуқий ва жисмоний шахслар даромадидан қатъий белгиланган солиқ	100%
6	Қўшимча қиймат солиғи	0%
7	Акциз солиғи	0%
8	Ҳуқуқий шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	100%
9	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	100%
10	Ҳуқуқий шахсларнинг ер солиғи	95%
11	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	100%
12	Ягона ер солиғи	100%
13	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	0%
14	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	0%
15	Қўшимча фойда солиғи	0%
16	Давлат божии	0%
17	Жарималар	0%
18	ЎзР ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан ундириладиган йиғимлар	0%
19	Бозорлар даромадидан тушум	100%
20	Маҳаллий йиғимлар	100%
21	Жисмоний шахслар томонидан транспорт воситалари учун истеъмол қилинадиган бензин, дизел ёқилғиси ва газ учун солиқ	0%
22	Бошқа тушумлар	0%

2- илова

Кўрсаткичлар		Миқдори (минг сўм)
I. Харажатлар – жами		**53 344 199.0**
1.	**Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга харажатлар – жами**	**46 365 323.0**
1.1	Маориф	31 866 075.0
	- умумий таълим	31 866 075.0
	- кадрлар тайёрлаш	
1.2	Соғлиқни сақлаш	13 209 031.0
1.3	Маданият ва спорт, оммавий ахборот воситалари	1 244 429.0
	- маданият ва оммавий ахборот воситалари	248 173.0
	- спорт	996 256
1.5	Ижтимоий таъминот	
1.6	Болали оилаларга ва кам таъминланган оилаларга нафақалар	
1.8	Ижтимоий кўникма марказлари	45 788.0
2.	**Иқтисодиётга харажатлар**	**2 948 481.0**
2.1	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ташкилотлари	364 880.0
2.2	Ободонлаштириш	2 583 601.0
3.	**Марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштиришга харажатлар**	
4.	**Давлат бошқарув органларини сақлаш**	**1 785 658.0**
5.	**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш**	**1 716 524.0**
6.	**Заҳира жамғармаси**	**528 213.0**
7.	**Бошқа харажатлар**	
7.1	Маҳаллий бюджетдан молиялаштириладиган бошқа муассасалар ва тадбирлар	

Ижтимоий соҳа учун трансферлар – жами	**41 404 202.0**
шу жумладан:	
- халқ таълими муассасаларининг иш ҳақи ва ЯИТ	29 929 234.0
- соғлиқни сақлаш муассасаларининг иш ҳақи ва ЯИТ	11 474 968.0
Айланма касса маблағи меъёри	**487 210.0**

Ховос тумани ҳокимининг
2018 йил ___ январдаги
-сонли қарорига
3- илова

Ховос туман маҳаллий
бюджетининг айланма касса маблағлари меъёрларининг

Э Н Г К А М З А Р У Р М И Қ Д О Р Л А Р И

(минг сўм)

Ҳудудлар номи	**Айланма касса маблағлари меъёри**
Ховос тумани	487 210

Ховос тумани ҳокимининг
2018 йил ____ январдаги
- сонли қарорига
4- илова

2018 йилда Ховос туман маҳаллий бюджетига умумдавлат солиқларидан ажратмалар М Е Ъ Ё Р И

(фоизда)

Ҳудудларнинг номи	**Корхоналар даромади (фойдаси)га солиқ**	**Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ялпи даромадидан солиқ**	**Қўшилган қиймат солиғи**	**Жисмоний шахслар даромадига солиқ**	**Юридик шахслар ер солиғи**
Ховос тумани	0	100	0	70	95

Ховос тумани ҳокимининг
2018 йил ____январдаги
- сонли қарорига
5-илова

Ҳуқуқий шахслардан олинадиган фойда солиғи СТАВКАЛАРИ

N	Тўловчилар	Солиққа тортиладиган базага нисбатан солиқ ставкалари % да
1	Ҳуқуқий шахслар (2-3-бандларда назарда тутилганларидан ташқари)	14
2	Тижорат банк лари	22
3	Ҳуқуқий шахслар, мобил алоқа хизмати кўрсатувчи рентабеллик даражасига қараб,*	
	20 фоизгача	14
	20 фоиздан юқори**	фойда суммсининг 50 фоизи, рентабеллик даражасининг 20 фоиздан ошиғига**

Изох.

1. Фойда солиғи ёки ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича вақтинча имтиёзга эга бўлган корхоналар томонидан янги шароитларда фойда солиғининг икки баробар камайтирилган ставкасида тўлайди.

*) Рентабеллик даражасини аниқлаш фойда солиғини тўлагунгача сотилган маҳсулотлар (товар, иш ва хизматлар) ишлаб чиқариш таннархи суммасига. Мобил алоқа хизмати кўрсатувчи ҳуқуқий шахслар томонидан фойда солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартибини Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланади.

**) Мобил алоқа хизмати кўрсатувчи компанияларнинг нархларини давлат томонидан тартибга солиш тартиби киритилди.

Ховос тумани ҳокимининг
2018 йил ____январдаги
-сонли қарорига
6-илова

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи СТАВКАЛАРИ

Жами даромад миқдори	Солиқ ставкаси
Энг кам иш ҳақининг бир бараваригача миқдорда	даромад суммасининг 0 фоизи
энг кам иш ҳақининг бир бараваридан (+1 сўм) беш бараваригача миқдорда	Энг кам иш ҳақи миқдорининг бир бараваридан ошадиган сумманинг 7,5 фоизи
энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдоридан (+1 сўм) ўн баравари миқдоригача	Энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдоридан олинадиган солиқ + беш бараваридан ошадиган сумманинг 16,5 фоизи
энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдоридан (+1 сўм) ва ундан юқори миқдоридан	Энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдоридан олинадиган солиқ + ўн бараваридан ошадиган сумманинг 22,5 фоизи

Изоҳ:

1. Солиқ солинадиган даромадлар гуруҳлари бўйича солиқ солиш шкаласи йил бошига - 2017 йил 1 январга белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан (172 240 сўм) келиб чиқиб белгиланади ва энг кам иш ҳақи миқдорининг йил давомидаги ўзгаришига қараб қайта кўриб чиқилмайди.

2. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммасини ҳисоблаб чиқариш мақсадида энг кам иш ҳақининг миқдори йил бошидан ортиб борувчи якун билан ҳисобга олинади (йил бошидан тегишли даврнинг ҳар бир ойи учун энг кам иш ҳақларининг суммаси).

3. Белгиланган ставкалардан келиб чиқиб ҳисобланган, бюджетга тўланадиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммаси фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ўтказиладиган, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинадиган даромадларидан "0" ставка бўйича солиқ солинадиган даромад (энг кам иш ҳақининг бир баравари) чегирилган ҳолда 2% миқдорида ҳисоблаб чиқариладиган ҳар ойлик мажбурий бадаллар суммасига камайтирилади.

4. Қонун ҳужжатларига мувофиқ энг кам ставка бўйича солиқ солинадиган жисмоний шахсларнинг алоҳида даромадларига солиқ солиш мақсади учун энг кам ставка 7,5 фоиз миқдорида қабул қилинади.

Ховос тумани ҳокимининг
2018 йил ____ январдаги
-сонли қарорига
7,1-илова

Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови
(савдо ва умумий овқатланиш корхоналаридан ташқари)
СТАВКАЛАРИ

Тўловчилар	**Солиққа тортиладиган базага нисбатан солиқ ставкаси % да**
1. Иқтисодиётнинг барча тармоқларидаги корхоналар, 2-7 бандларда кўрсатилганлардан ташқари	5 *
2. Ҳуқуқий шахслар томонидан божхона ҳужжатларини расмийлаштириш хизматлари (божхона брокерлари)	5
3. Ломбардлар	30
4. Гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланиш учун лицензияга эга бўлган юридик ва жисмоний шахсларни (шу жумладан норезидентларни) жалб этиш йўли билан оммавий томоша тадбирларини ташкил этишдан даромад оладиган корхоналар	30
5. Тайёрловчи ва таъминот-сотиш корхоналари, брокер идоралари (6 – бандда кўрсатиб ўтилганлардан ташқари), шунингдек комиссия шартномаси бўйича воситачилик хизмати кўрсатадиган корхоналар	33**
6. Қимматбаҳо қоғозлар бозорида брокерлик фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар	13**
7. Озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларини реализация қилиш учун турғун савдо шохобчаларини ижарага беришга ихтисослашган корхоналар (ижарага беришдан олинган даромадлар 60 % дан кўпни ташкил этади)	30

*) Мол-мулкини молиявий ижара (лизинг)га берадиган корхоналар учун - молиявий ижара (лизинг) бўйича фоизли даромад суммаси.

**) Ҳақ суммаси (ялпи даромад)

Ховос тумани ҳокимининг
2018 йил ____ январдаги
-сонли қарорига
7,2- илова

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, шу жумладан микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловининг
СТАВКАЛАРИ

N	Тўловчилар	Солиқ ставкалари, солиқ солинадиган базага нисбатан %да
1.	Умумий овқатланиш корхоналари	10
	улардан:	
	умумий таълим мактаблари, мактаб-интернатлар, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий ўқув юртларига хизмат кўрсатувчи ихтисослашган умумий овқатланиш корхоналари	8
2.	Чакана савдо корхоналари (3-4-бандда кўрсатилганларидан ташқари), қуйидаги жойларда жойлашган:	
	Аҳолиси сони 100 минг ва ундан кўп кишидан иборат шаҳарларда	4
	бошқа аҳоли пунктларида	2
	бориш қийин бўлган ва тоғли туманларда	1
2.2	Жойлашган жойидан қатъий назар	
	Алкоголь маҳсулотлари,сигаретлар, бензин,дизел ёқилғиси ва суюлтирилган газ маҳсулотлари реализациясининг товар айланмасидан	4
3.	Улгуржи, шунингдек улгуржи-чакана савдо билан шуғулланувчи корхоналар (4-бандда кўрсатилганларидан ташқари)	5
4.	Улгуржи ва чакана дорихона ташкилотлари, қуйидаги жойларда жойлашган:	
	аҳолиси сони 100 минг ва ундан кўп кишидан иборат шаҳарларда	3
	бошқа аҳоли пунктларида	2
	бориш қийин бўлган ва тоғли туманларда	1
5	Қишлоқ хўжалиги махсулотларини сотиб олиш, саралаш, чақлаш ва қадоқлашни таъминлайдиган ташкилотлар	4

Изоҳ.

Агар чакана савдо корхоналари мустақил юридик шахс ҳисобланмайдиган ва турли аҳоли пунктларида жойлашган, улар бўйича ягона солиқ тўловининг турли ставкалари белгиланган бир нечта савдо шохобчаларига эга бўлса, улар ҳар бир савдо шохобчаси бўйича товар оборотининг алоҳида-алоҳида

ҳисобини юритишлари ҳамда мазкур аҳоли пунктлари учун белгиланган ставкалар бўйича ягона солиқ тўловини тўлашлари лозим

Ховос тумани ҳокимининг
2018 йил ____ январдаги
-сонли қарорига
7,3 - илова

Алоҳида тоифали корхоналар учун ягона солиқ тўлови СТАВКАЛАРИ

Тўловчилар	Солиқ солинадиган базага нисбатан солиқ ставкаси % да
Лотереялар ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи корхоналар (мазкур фаолият тури доирасида)	33

Ховос тумани ҳокимининг
2018 йил ____ январдаги
- сонли қарорига
8- илова

Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича ҳуқуқий ва жисмоний шахслардан олинадиган қатъий солиқ СТАВКАЛАРИ

N	Фаолият тури	Солиқ тўловчилар	Мазкур фаолият турини характерловчи физик кўрсаткичлар*	Физик кўрсаткич бирлигига ҳар ойда қатъий белгиланган солиқ ставкаси (энг кам иш ҳақига бирлик учун каррали миқдорларда)
				Ховос туманида
1	Автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш	Ҳуқуқий шахслар	Эгаллаган майдон (1 кв.метр)	0.04
2	Болалар ўйин автоматлари	Ҳуқуқий ва жисмоний шахслар	Жиҳозланган ўринлар сони (бирликда)	1.0

Изоҳ:

1. Қатъий белгиланган солиқ ставкаси йил бошига - 2018 йил 1 январга белгиланган энг кам иш ҳақи (172 240 сўм) миқдоридан келиб чиқиб белгиланади ва энг кам иш ҳақи миқдорининг йил давомидаги ўзгаришига қараб қайта кўриб чиқилмайди.

2. Тақдим этилган қатъий белгиланган солиқ ҳисоб-китобида ҳисобга олинмаган физик кўрсаткичлар аниқланган тақдирда бундай ҳолатларга солиқларни тўлашдан бўйин товлаш сифатида қаралади.

Ховос тумани ҳокимининг
2018 йил ____ январдаги
- сонли қарорига
9- илова

Ҳуқуқий шахсни ташкил этмасдан туриб, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган

жисмоний шахслардан олинадиган қатъий солиқ ставка лари (якка тадбиркорлар)

N	Фаолият тури	Бир ойлик қатъий солиқ ставкаси (энг кам ойлик иш хақи миқдорида)
		Ховос туманида
1	Чакана савдо	
	Озиқ-овқат маҳсулотлари билан	2.5
	деҳқон бозорларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан *	1.5
	ноозиқ-овқат маҳсулотлари билан	2.5
	газеталар, журналлар ва китоб маҳсулотлари билан	0.5
	озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари билан (турғун шохобчалардаги аралаш савдо)	2.5
2	Маиший хизматлар	0.5
3	Ўз маҳсулотини ишлаб чиқариш ва сотиш, шу жумладан миллий ширинликлар ва нон-булка маҳсулотлари тайёрлаш ва сотиш, шунингдек уй шароитларида ёки давлат ҳокимияти органларининг қарори билан махсус ажратилган жойларда ўтириш жойлари ташкил қилмасдан доналаб сотиладиган овқатларнинг айрим турларини тайёрлаш ва сотиш	0.5
4	Бошқа фаолият турлари	0.5
5	Автомобиль транспортида юкларни ташиш хизматлари: 3 тоннагача юк кўтариш қувватига эга юк автомобиллари учун 8 тоннагача юк кўтариш қувватига эга автомобиллар учун 12 тоннагача юк кўтариш қувватига эга юк автомобиллари учун 12 тоннадан ортиқ юк кўтариш қувватига эга юк автомобиллари учун	1,5 2,0 3,0 3,5

*) Уй хўжалиги, шу жумладан, деҳқон хўжалигида парваришланган тирик ҳайвонларни (чорва моллари, паррандалар, мўйнали ва бошқа ҳайвонлар, балиқлар ва бошқалар) ҳамда уларни сўйиб, хом ёки қайта ишланган кўринишдаги маҳсулотларни, саноатда қайта ишлашдан ташқари, чорвачилик, асаларичилик ва деҳқончилик маҳсулотларини табиий ва қайта ишланган кўринишда (манзарали боғдорчилик (гулчилик) маҳсулотларидан ташқари) сотиш бундан мустасно.

Солиқ солишдан озод этиш солиқ тўловчи томонидан давлат ҳокимиятининг жойлардаги тегишли органи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, боғдорчилик, узумчилик ёки полизчилик ширкати бошқаруви томонидан берилган, сотилган маҳсулот солиқ тўловчи томонидан унга ёхуд унинг оила аъзоларига ажратилган ер участкасида етиштирилганлигини тасдиқловчи белгиланган шаклдаги ҳужжатни тақдим этиш шарти билан амалга оширилади.

Изоҳлар.

1. Қатъий белгиланган солиқ ставкалари йил бошига - 2017 йил 1 январига белгиланган энг кам иш ҳақидан (172 240 сўм) келиб чиқиб аниқланади ва энг кам иш ҳақи миқдори йил давомида ўзгарганда қайта кўриб чиқилмайди.

2. Жисмоний шахс:

а) бир нечта фаолият тури билан шуғулланса, ҳар бир фаолият тури учун алоҳида-алоҳида солиқ тўлайди;

б) тадбиркорлик фаолиятини ижарага олинган ускуналар ва бинода амалга оширса, яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига ижарага берувчи тўғрисида маълумотнома (ахборот) тақдим этиши керак;
в) давлат рўйхатидан ўтказилмаган жойда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширса, солиқни рўйхатдан ўтказилган жойда ва фаолиятни ҳақиқатда амалга ошираётган жойда белгиланган ставкалар орасида энг юқори ставка бўйича рўйхатдан ўтказилган жой бўйича тўлайди.
г)1-2 гурух ногиронлари, фаолият кўрсатиш жойи ва фаолият туридан қатъий назар ойига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида қатъий белгиланган солиқ тўлайди.
3. Жисмоний шахслар томонидан якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтмасдан фаолият турлари амалга оширилганлиги ҳолатлари аниқланган тақдирда, давлат солиқ хизмати органлари белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда йиллик ҳажмда тегишли фаолият тури бўйича бир йўла қатъий белгиланган солиқни ундирадилар, жисмоний шахснинг давлат рўйхатидан ўтмасдан фаолият кўрсатаётганлиги далили аниқланган санадан бошлаб ўттиз кун мобайнида унинг якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтганлиги ҳолатлари бундан мустасно. Бундай жисмоний шахсга ҳисоблаб ёзилган йиллик қатъий белгиланган солиқ суммасини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган тартибда ушбу давр учун қатъий белгиланган солиқ бўйича келгусидаги солиқ мажбуриятлари ўрнига ўн икки ой мобайнида тўлаш ҳуқуқи тақдим этилади.
4. Жисмоний шахсларнинг мол-мулкни ижарага беришдан олган даромадларига Вилоят ҳокимининг мазкур қарорига белгиланган ставкалар бўйича жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинади

Ховос тумани ҳокимининг
2018 йил ____ январдаги
-сонли қарорига
10,1-илова

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган акцизланадиган товарлардан акциз солиғи СТАВКАЛАРИ

	Товарлар номи	Солиқ ставкаси	
		акциз ва ҚҚС солиғини ҳисобга олган ҳолда сотиш нархларида товарлар қийматига нисбатан фоизларда	ўлчов бирлигига нисбатан сўмда
1	Этил спирти (1 дал учун)		7 844
2	Вино (1 дал тайёр маҳсулотга) [1]		
	Табиий ачитилган (этил спирти қўшмасдан)		6 994
	Бошқа винолар		12 000
3.	Коняк (1 дал тайёр маҳсулотга)		58 265*
4.	Ароқ ва бошқа алкоголи маҳсулотлар (1 дал тайёр маҳсулотга) [1]		67 571**
5	Пиво (1 дал тайёр маҳсулотга) [1] :		7 699
6	**Ўсимлик (пахта) ёғи (1 тоннаси учун):** [1]		
	истеъмол қилинадиган (саломас ва "Ўзбекистон"ёғини ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган ёғдан ташқари);		459 724
	Техник (истеъмол килинадиган махсулот таркибига киритишга ярамайдигани, кислота числоси 0.3 мг КОН / г дан юқори)		252 887
7.	Фильтрли, фильтрсиз сигареталар, папиросlар (1 минг донасига) [1]		84 222
8.	Заргарлик буюмлари	25	
9.	"Дженарал Моторс Узбекистан" ЁХЖ ишлаб чиқарган автомобиллар [2]	5	
10.	Кумушдан ишланган ошхона анжомлари	11	

11.	Қимматбаҳо металлар[2]		
12.	Нефть маҳсулотлари [1]:		
	-бензин Аи-80		тоннасига 321 430 сўм
	-бензин Аи-91, Аи-92,Аи-93		тоннасига 353 430 сўм
	-бензин Аи-95		тоннасига 408 890 сўм
	- дизель ёқилғиси		тоннасига 273 400 сўм
	- дизель ёқилғиси ЭКО		тоннасига 284 250 сўм
	- авиакеросин		тоннасига 50 580 сўм
	дизель ёки карбюратор (инжектор) двигателлари учун мотор мойи		тоннасига 207 000 сўм
13.	Табиий газ, шу жумладан, экспорт [2]	25	
13.	Ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан сотиладиган суюлтирилган газ ("Ўзтрансгаз" АК минтақалараро унитар корхоналари томонидан аҳолига сотиладиган газ ҳажми бундан мустасно), шу жумладан, экспорт [2]	26	
14.	Пахта толаси[3]		

*)Ҳажмий улушда этил спирти 40 фоиздан кўп бўлган коньяк маҳсулотларга акциз солиғи ставкаси 1 дал тайёр маҳсулот учун 121 928 сўм миқдорида белгиланади.

**) Ҳажмий улушда этил спирти 40 фоиздан кўп бўлган ароқ ва бошқа алкоголи маҳсулотларга акциз солиғи ставкаси 1 дал тайёр маҳсулот учун 111 339 сўм миқдорида белгиланади.

Изоҳлар:

1. Қатъий миқдорларда белгиланган акциз солиғи ставкалари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан нархларнинг динамикаси ҳамда маҳсулотнинг сотилиш ҳажмидан келиб чиққан ҳолда йил мобайнида қайта кўриб чиқилиши мумкин.

2. "Женерал Моторс Ўзбекистон" ЁАЖ автомобиллари, табиий ва суюлтирилган газ, қимматбаҳо металлар, шунингдек чакана савдо тармоғида сотиладиган тилладан ишланган заргарлик буюмларига акциз солиғини тўловчилар ва уни тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан келишилган ҳолда белгиланади. Бунда аҳолига реализация қилинадиган табиий газдан олинадиган табиий газ нархида назарда тутилган акциз солиғи ва қўшилган қиймат солиғининг ҳисобланган суммаси инвестициявий лойиҳаларни молиялаштиришга мақсадли йўналтирилган ҳолда "Ўзтрансгаз" АК тасарруфида қолади.

3. Нефт маҳсулотлари учун акциз солиғи миқдори углеводород хомашёсини импорт қилишни молиялаштириш учун маблағ ажратиш ва ушбу мақсадлар учун жалб қилинадиган кредитларни, шунингдек миллий валюта курсининг ўзгаришидан келиб чиққан салбий фарқни молиялаштириш учун “Ўзнефтмаҳсулот” АК нинг нефтни қайта ишлаш заводлари тасарруфида қолади.

Ховос тумани ҳокимининг
2018 йил ____ январдаги
-сонли қарорига
10,2-илова

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб
келинадиган акцизли товарларга акциз солиғи
СТАВКАЛАРИ

Товар гуруҳининг рақами	Товарлар номи	ТИФ ТН бўйича товар коди	Товарнинг божхона қийматидан фоизларда ёки ўлчов бирлиги учун АҚШ долларида
04	Ардоб (ёғи олинган сут), ивиган сут ва сливкалар, йогурт, кефир	0403	30
	Пишлоқлар ва творог	0406	20
15	Пальма ёғи ва унинг фракциялари, тозаланмаган ёки тозаланган, лекин кимёвий таркиби ўзгартирилмаган ҳолда	1511	5, бироқ 1 кг учун 0,1 АҚШ долларидан кам эмас
	Кунгабоқар, махсар ёки пахта мойи ва уларнинг фракциялари	1512	5, бироқ 1 литр учун 0,08 АҚШ долларидан кам эмас
	Маргарин, таом истеъмоли учун яроқли ёхуд мол ёки ўсимлик ёғлари ёки мойларидан тайёр маҳсулотлар	1517	10
16	Гўшт ва гўштли қўшимча маҳсулотлардан тайёрланган колбаса ва шунга ўхшаш маҳсулотлар	1601 00	20
	Гўшт ва гўштли қўшимча маҳсулотлардан тайёр ёки консерваланган маҳсулотлар, болалар овқатидан ташқари	1602 (1602 10 001 0 дан ташқари)	20
17	Таркибида какао бўлмаган, шакардан тайёрланган қандолат маҳсулотлари (шу жумладан оқ шоколад)	1704 (1704 10 дан ташқари)	10
	Шакар билан қопланган ёки қопланмаган резинка сақич	1704 10	30
18	Таркибида какао бўлган шоколад ва бошқа тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари	1806 20 - 1806 90	10
19	Бошоқли ўсимликлар донлари ёки дон маҳсулотларини кепчитиш (шиширириш) ёки қовуриш йўли билан олинган тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари	1904	20
	Таркибида какао бўлмаган ёки бўлган, ундан тайёрланган қандолат маҳсулотлари	1905	20
20	Сабзавот, мева, ёнғоқ ёки бошқа ўсимлик қисмларининг қайта ишланган маҳсулотлари	2001 (2001 90 910 0 дан ташқари	10
	Сирка ёки сирка кислотаси қўшилмасдан тайёрланган ёки консерваланган томатлар	2002	10
	Мева ва сабзавот шарбатлари (ананас ва цитрус мевалар шарбатидан ташқари)	2009 (2009 11 - 2009 49, 2009 90 410, 2009 90 490, 2009 90 710 0, 2009 90 730 0, 2009 90 790 0 дан ташқари)	10%, бироқ 1 литр учун 0,2 АҚШ долларидан кам эмас

21	Қайла тайёрлаш учун маҳсулотлар ва тайёр қайла; таъм берувчи қўшимчалар ва аралаш зираворлар; хантал кукуни ва тайёр хантал	2103	20
	Музқаймоқ ва бошқа турдаги истеъмолга яроқли муз	2105 00	30
	Шакар қўшилмаган сақич	2106 90 980 1	30
22	Сув, шу жумладан табиий ёки сунъий маъданли, газланган, қўшимча қўшилган ёки шакар ёки бошқа ширин қилувчи ёхуд хушбўй ҳид ва таъм берадиган моддалар қўшилмаган сувлар; муз ва қор	2201	50%, бироқ 1 литр учун 0,7 АҚШ долларидан кам эмас
	Сув, шу жумладан алкоголсиз ичимликлар, 2009-товар позициясидаги мева ёки сабзавот шарбатларидан ташқари	2202	50%, бироқ 1 литр учун 0,9 АҚШ долларидан кам эмас
	Солод (ширинмия) пивоси	2203 00	50%, бироқ 1 литр учун 1,5 АҚШ долларидан кам эмас
	Вино	2204 10, 2204 21, 2204 29, 2205	1 литр учун 6,0 АҚШ долл.
	Ачитқи билан тайёрланадиган бошқа ичимликлар; ачитқи билан тайёрланадиган ҳамда алкоголсиз ичимликлар аралашмалари; спирт концентрацияси 80% ҳажмдан кам бўлган денатурланмаган этил спирти; ароқ ва бошқа алкоголли маҳсулотлар	2206 00, 2208 (2208 20 120 0, 2208 20 620 0 дан ташқари)	1 литр учун 7,0 АҚШ долл.
	Этил спирти (ставка фақат транзит пайтида гаров тўловларини ҳисоблаш учун қўлланилади)	2207	65
	Коньяк	2208 20 120 0, 2208 20 620 0	1 литр учун 14,5 АҚШ долл.
24	Сигаралар, кесма учли сигаралар, таркибида тамаки бўлган сигариллалар	2402 10 000 0	1 дона учун 0,42 АҚШ долл.
	Тамаки ёки унинг ўрнини босувчилардан тайёрланган сигареталар	2402 20 (2402 20 900 0 дан ташқари)	1 000 дона учун 18,2 АҚШ долл.
		2402 20 900 0	1 000 дона учун 90 АҚШ долл.
27	енгил дистиллятлар	2710 12	5
	ўртача ва оғир дистиллятлар	2710 19	5
32	Дисперсияланган ёки сувли ва сувсиз муҳитда эриган синтетик полимерлар ёки кимёвий бириккан табиий полимерлар асосидаги бўёқлар ва лаклар (эмал, политуралар ва елим бўёқлари билан бирга)...; терига ишлов беришда ишлатиладиган тайёр сув пигментлари, қуйидагилардан ташқари:	3208, 3209, 3210 00	10
	Ойнага ва боғларда ишлатиладиган замазкалар, қатронли цементлар, зичлашда фойдаланиладиган таркиблар ва бошқа мастикалар; бўёқчиликда ишлатиладиган шпатлёвкалар; бинолар деворлари, поллар, шиплар юзаларини тайёрлаш учун оловга чидамсиз таркиблар ва шунга ўхшаш таркиблар, қуйидагилардан ташқари:	3214	10
33	Парфюмерия, косметика ёки пардоз воситалари	3303 00, 3304	20
		3305 - 3307 (3306 10 000 0	

		дан ташқари)	10
34	Совунлар (қумоқ-қумоқ совундан ташқари); юзага фаол таъсир кўрсатувчи органик моддалар, кир ювиш воситалари, сунъий ва тайёр мумлар, тозалаш ва жилолаш учун таркиблар, шам ва шунга ўхшаш маҳсулотлар, ёпиштириш учун пасталар, пластилин, "тиш шифокори қўллайдиган мум" ва гипс асосидаги тишни даволаш воситалари	3401 (3401 20 100 0 дан ташқари),	10
		3402	10, бироқ 1 кг учун 0,25 АҚШ долларидан кам эмас
	Мойлаш материаллари	3403 (3403 91 000 0 дан ташқари)	5
36	Гугурт	3605 00 000 0	10
39	Карбоксиметилцеллюлоза ва унинг тузи	3912310000	10
	Поливинилхлориддан тайёрланган чивиқлар, стерженлар ва профиллар	3916 20 000 0	10
	Ванналар, душлар, чиғаноқлар ва пластмассадан тайёрланган худди шундай санитария-техник жиҳозлари	3922	10
	Этилен полимерларидан тайёрланган қоплар ва сумкалар	3923 21 000 0	10
	Бошқа пластмассалардан тайёрланган қоплар ва сумкалар, қуйидагилардан ташқари:	3923 29*	10
	Пластмассадан тайёрланган ошхона идиш-товоқлари ва уй-жиҳоз буюмлари	3924 (3924 10 000 0, 3924 90 000 9 дан ташқари)	20
	Пластмассадан тайёрланган қурилиш деталлари	3925	20
40	Пневматик резинали шина ва покришкалар, таъмирланганлари ёки ишлатилганлари; сидирға ёки ярим пневматик шина ва покришкалар, шина протекторлари ва резинали чамбарак тасмалар	4012	20
44	Ёғочдан тайёрланган бошқа буюмлар	4421 (гугурт ишлаб чиқаришда ишлатила-диган гугурт чўпидан ташқари)	10
57	Гиламлар ва полга тўшаладиган бошқа тўқимачилик маҳсулотлари	5701 – 5702-5703-5704-5705 00	30
67	Сунъий гуллар, барглар ва мевалар ҳамда уларнинг қисмлари; сунъий гуллар, барглар ёки мевалардан ясалган буюмлар	6702	20
68	Гипс ёки унинг асосида қоришмалардан, цемент, бетон, асбоцемент, целлюлоза толали цементдан тайёрланган маҳсулотлар	6809-6810-6811	10
69	Тўшаш учун плиталар, пол, печка, камин ёки деворлар учун сирланмаган ёки сирланган сопол	6907-6908	10

	қоплама плиткалар		
	Раковиналар, умивальниклар, раковина консоллари, ванналар, биде, унитазлар, сув қуйиш бачоклари, писсуарлар ва чиннидан тайёрланган худди шундай санитария-техник жиҳозлар	6910 10 000 0	10
	Чиннидан ясалган ошхона идиш-товоқлари, ҳайкалчалар ҳамда чинни ва сополдан ясалган бошқа буюмлар	6911 - 6914	20
70	Қуйилган ва прокатланган, чўзилган ва пуфланган, лекин бирорта усул билан ишлов берилмаган ойна; арматураланмаган бошқа ойна...;	7003, 7004, 7005 29	10
	Хавфсиз ойна, шу жумладан, мустаҳкамланган (тобланган) ёки кўп қатламли ойна	7007 11 100, 7007 19 200 0	10
